

КУЗГИ ЮМШОҚ ВА ҚАТТИҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ИҚЛИМ ШАРОИТГА МОСЛАШУВЧАНЛИГИ

*Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти
Андижон илмий тажриба станцияси директори: С.Э.Тешабоев
Илмий ходимлари: М.А.Расулович*

Анотация.

Мақолада: Андижон вилояти шароитида, интенсив уруғчилик тизимини самараси ва афзалликлари, Четдан интродукция килинган кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдой навларининг иқлим шароитга мослашувчанлиги, эртапишарлилик хусусиятлари, сариқ ва кўнғир занг касалликларга чидамлилик даражаси ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичини ўрганиш асосида тадқиқот натижалари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар интродукция, ресурс репродукция элита, супер элита, Веха, Граф, Степь генетик

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилик тизимини тубдан ислох қилиш, самарали ва тезкор қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини йўлга қўйиш, четдан импорт қилиш эмас, аксинча уруғчиликда экспорт масалаларига алоҳида этибор қаратиш жуда муҳимдир. Серқуёш Ўзбекистон иқлими ва суғориладиган деҳқончилик шароити энг сифатли қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини етиштириш имконини беради.

Бирок, бугунги кундаги қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги жумладан ғалла уруғчилиги унинг турли босқичларидаги ҳақиқий ҳолат қандай, бугунги кунда қандай уруғчилик тизимларидан фойдаланилмоқда.

Уруғчиликнинг турли босқичларини тўғри йўлга қўя оладиган, айниқса бошланғич уруғчилик тизимини ва кейинги босқичларини илмий асосда ташкил қила оладиган юқори малакали ва маҳоратли мутахассислар етарлими?

Уруғчиликнинг турли босқичларида ишловчи мутахассисларни ким ўқитади ва ким уларни малакасини оширади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан ғалла уруғчилиги туб ислох қилиш, тезкор уруғчилик тизимларидан фойдаланиб, юқори сифатли уруғлик етиштириш ва тайёрлаш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Республикамизнинг сувли ерларига ҳар йили экиш учун буғдойнинг қариб 300 минг тонна турли репродукцияли уруғликлари талаб этилади.

Республикамизда амалдаги уруғчилик тизимини тула таҳлил қилган ҳолда, ечимини кутаётган муаммоларни урганиш ва ҳал қилиш мақсадида Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти олимлари томонидан

Ривожланган мамлакатлар, халқаро илмий марказлар, Россиянинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари, жумладан Краснодар, Донской уруғчилик марказларида олиб борилаётган уруғчилик тизимлари урганилди.

Хозирда институт олимлари самарали тезкор уруғчилик тизимларини ишлаб чиқиб, бу тизимлардан самарали фойдаланган ҳолда Республикамиздаги бир қатор уруғчилик марказларига, кластерлар ва фермер хужаликлари талаб этилган навнинг юқори сифали уруғчиликлари етказиб бермоқда

Интенсив уруғчилик тизими – Талаб қилинган янги навнинг етарлича уруғлари киска муддатда етказиб берилди.

Оилаларни биринчи йил синаш кўчатзори, 1-йил кўпайтириш ва суперэлита етиштириш кўчатзори, элита етиштириш жами тўрт йил муддат талаб этилади. Кузатув ва танлаш ишларидан ташқари барча ишлар механизмлар билан амалга оширилади. Ер ресурслари ва харажатлар камида 1-2 баробарга қисқаради.

Институтнинг Андижон илмий тажриба станцияси Россиянинг Краснодар ўлкасидаги Краснодар Қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтидан кузги қаттиқ ва юмшоқ буғдой навларини юқори ҳосилли, дон сифати талаб даражасидаги, занг касалликларга чидамли нав ва намуналар олиб келиниб, Тошкент вилоятида институтнинг мойли экинлар бўлимида, Андижон илмий тажриба станциясида синов тажрибалари йулга қўйилди.

Кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг экологикнав синови натижалари

№	Навлар номи	Ўсимлик бўйи	Бошоқлаш муддати	Пишиш муддати	Ҳосил ц,га	Занг касалликлари	
						Сариқ занг	Қўнғир занг
1	Васса	110	29.04	17.06	80,3	0-5	0
3	Темирязевка-150	119	01.05	19.06	91,8	5-7	
4	Стил-18	90	02.05	20.06	82,1	0	0
5	Бумба	110	01.05	20.06	83,3	0	0
4	Веха	105	02.05	20.06	85,4	0	0
5	Моне	100	01,05	19.06	80,0	0	0
6	Кубан	90	17.04	05.06	61,0	0	0
7	Еланчик	110	25.04	16.06	79,1	0	0
8	Граф	105	02.05	22.06	77,3	0	0
9	Собербаш	107	30.05	22.06	84,6	0	0
10	Степь	105	02.05	23.06	85,9	0	0
11	Алексеич	95	01.05	22.06	86,1	0-5	0
12	Давр	85	28.04	22.06	74,5	0	0
13	Крупинка	105	02.05	24.06	66,9	0	0
14	Одари	104	01.05	24.06	64,1	0-5	0

Тадқиқотларда энг эрта бошоқлаш (17.04) Кубан навида ва (25.04) Еланчик навида кузатилган бўлса, энг кеч бошоқлаш (02.05) кузги юмшоқ буғдой Веха, Граф, Степь ва кузги қаттиқ буғдой Курипинка навларида, юқори хосилдорлик 91.8 ц/га Темирязевка-150 навида кузатилди. Алексееич навида 86,1 ; Степ 85,9 ; Веха 85,4 катта майдонлада эк илаётган Васса навида 80.3 ц/га ва қаттиқ буғдой Крупинка навидан 66,9 ц/га, Одари навидан эса 64,1 ц/га хосил олинди.

Янги интродукция килинган навлардан Стил-18, Бумба, Моне навлари синов йилида дала шароитида сарик ва кунгир занг касалликларига ва ётиб қолишга чидамлилигини курсатди.



Институт олимлари томонидан иклим узгаришлари ва фермер ва кластерларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда бир қатор экинларни асосий ва такрорий майдонларда экиш учун, мавжуд генетик ресурсларни пишиш муддатлари тахлил килинмоқда. Шунингдек четдан интродукция килинаётган кишлок хужалиги экинлари нав ва намуналарини пишиш муддатларига алоҳида этибор қаратилмоқда. Жумладан янги интродукция килинган Кубан нави ута тезпишарлигини намоён қилди. Энг самарали эртапишар навларни танлаш, интенсив уруғчилигини ташкил этиш, такрорий ерлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Аманов А. Селекция и семеноводство пшеницы в Узбекистане // Материалы 1-ой Центрально-Азиатской конференции по пшенице. -Алматы. 2003.-С.3.
2. М., Р.Сиддиқов, А.Аманов, Т.Ўринбоев, И.Раббимқулов. Буғдой дони сифати ва уни яхшилаш йўллари // “Агро илм” журнали (“Ўзбекистон кишлок хўжалиги” журнали илмий иловаси). 2012 йил. -4(24) сон. –Б. 17-18.
3. Н., Бобомирзаев П., Даминов С. Кузги буғдой етиштириш технологиясини шакллантириш шартлари. // “Ўзбекистон кишлок хўжалиги” журнали. -1998. -№5. – Б.35-37
4. ГОСТ 26574-2017. Мука пшеничная хлебопекарная. Технические условия